O'ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№12 (765) 2024 йил 20 февраль, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари – саноат ва савдо вазири, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Музокаралар аввалида Ҳукумат Раиси ўринбосари Денис Мантуров давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 5-7 октябрь кунлари Россияга расмий ташрифи якунида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил якунларига кўра 6,6 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди. Саноат, энергетика, транспорт, металлургия, кимё, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2023 йилда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, ҳудудлар, таълим ва тиббиёт форумларининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Ўзаро савдонинг ўсиш суръатларини давом эттириш, кооперация лойиҳаларини, шу жумладан, жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида учинчи бор ўтказиладиган "Иннопром. Марказий Осиё" халқаро саноат кўргазмаси негизида янада илгари суриш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

# ҲУДУДЛАРДАГИ ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНИЯТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, паст қувватда ишлаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Бу ҳақда шу йил январда макроиқтисодий барқарорлик таҳлили бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди. Унга мувофиқ, ҳудудларда ишга солинмаган қўшимча имкониятлар, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифлари ўрганилди.

Масалан, Қашқадарё вилоятидаги Миришкор каналига қўшимча насос ва лотоклар ўрнатиш орқали Қарши туманида 600 гектар ерни ўзлаштириш мумкин. Бу кастор ловияси етиштириб, унинг мойини ишлаб чиқариш, 1 минг 400 кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Айрим саноат зоналарида инфратузилма қувватини яхшилаш зарур. Шу мақсадда жорий йилда бюджетдан 1,5 триллион сўм ажратилиши белгиланган. Бунинг натижасида мазкур зоналарнинг жозибадорлиги ошиб, корхоналар фаолияти кенгаяди ва иш ўринлари кўпаяди.

Саноат корхоналарига яқин бўш майдонларда қуёш панеллари ўрнатиб, уларга қўшимча энергия етказиб бериш ҳамда тизимдаги юкламани енгиллатиш имконияти бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари билан тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзлари корхоналар фаолиятига ижобий таъсир қилган. Масалан, текстиль учун бўёқ импортида божхона имтиёзи қўлланилгани ҳисобига трикотаж мато, кўйлак, костюм-шим таннархи арзонлашган. Тақдимотда ушбу имтиёзлар муддатини узайтириш орқали эришилган натижаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, тегишли меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Мутасаддиларга барча 208 та туман ва шаҳарнинг "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган лойиҳалар тайёрлаш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

# АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШГА ОИД ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар ҳамда келгуси режаларга оид тақдимот билан танишди.**

Маълумки, жорий йилнинг 12-17 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси Томонлар конференциясининг 14-йиғилиши (COP-14) бўлиб ўтди. Унда 130 дан ортиқ давлатдан 2 мингга яқин иштирокчи қатнашди.

Тадбир якунлари бўйича Конвенцияга аъзо давлатлар томонидан ижрога қаратилиши учун 2024-2032 йилларга мўлжалланган Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турлари бўйича Самарқанд стратегик режаси тасдиқланди. Экологик боғлиқлик бўйича глобал ҳамкорлик (GPEC) ташаббуси ишга туширилди.

Ўзбекистон БМТ конвенциясига 2024-2026 йиллар учун президент сифатида сайланди. Тошкент шаҳрида Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN)нинг Марказий Осиёдаги илк ваколатхонаси очилди. Шунингдек, БМТ Атроф-муҳит дастурининг Ўзбекистонда ваколатхонасини очиш бўйича келишувга эришилди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда Марказий Осиёда 6 та трансчегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни барпо этишга қаратилган лойиҳани амалга оширишга келишилди. Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотлар ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги ҳамкорликни давом эттириб, Ўзбекистоннинг ҳаракатлар режасини ва янги грант лойиҳаларини ишлаб чиқиш, халқаро экология ташкилотлари ва конвенция бош қароргоҳида соҳа ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда "Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш" лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди.

Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 205 миллион доллардан зиёд бўлиб, 6 йил давомида амалга оширилади. Бу маблағ ўрмонлар ҳудудини кенгайтириш, ўрмон хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, барқарор бошқарувни жорий этиш, экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш каби мақсадларга йўналтирилади.

Хусусан, ўрмонларни тиклаш ва муҳофаза қилишда инновацион бошқарув тизими ҳамда ахборот технологиялари жорий қилинади. Деградацияга учраган ўрмон ерлари тикланади. Чегарадош ҳудудлардаги ландшафтни тиклаш бўйича қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ривожлантирилади.

Буларнинг натижасида, жумладан, 175 минг гектар ўрмонлар ва 38 минг гектар яйловларни қайта тиклаш, 19 минг гектарда агроўрмон ва 5 минг гектарда саноатбоп ўрмонлар барпо этиш, 63 километр эко йўлаклар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Жорий йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинган эди. Тақдимотда мазкур фармон ижроси доирасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Юртимизда йилига ўртача 6,8 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Сўнгги йилларда санитар тозалаш хизмати билан қамраб олинган маҳаллалар сони 90 фоиздан ошди. Лекин чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси юқори эмас. Ҳозирда бундай корхоналар 313 та холос.

Президент фармонида бундай фаолиятни янада рағбатлантириш чоралари белгиланган. Жумладан, 2024 йил 1 июндан бошлаб маиший чиқиндилар таркибидаги иккиламчи хомашёни реализация қилиш фақат биржа орқали амалга оширилади. Чиқиндиларни "қайта ишланадиган", "қайта ишланмайдиган" ва "озиқ-овқат" тоифаларига ажратган ҳолда йиғиш ташкил этилади. Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида хусусий шериклик ривожлантирилади.

Чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаганлик учун жарима миқдорини ошириш, чиқинди ташлаб кетилган жойни тозалаш ва олиб чиқиб кетиш мажбуриятини белгилаш чоралари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, тақдимотда маиший чиқинди полигонларини оптимизация қилиш, чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, чиқинди полигонларини инвестициялар киритишга жозибадор қилиш учун уларнинг буфер ҳудудларига махсус иқтисодий зоналар режимини жорий этиш, чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ҳамда органик усулда ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бўйича янги тизим йўлга қўйилади. Ушбу янги тизим бўйича биринчи пилот лойиҳа Андижон вилоятида амалга оширилади.

Жумладан, Андижон туманида 13 миллион доллар инвестиция эвазига органик чиқиндидан 100 минг тонна ўғит, Асакада чиқиндидан йилига 2 миллион киловатт соат электр ишлаб чиқарадиган лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Келгусида ушбу Андижон тажрибаси юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этилади.

**ЎзА.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# Бошқарув сервис компаниялари 24 СОАТ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА!







**Республикамизга совуқ ҳаво массалари кириб келиши инобатга олинган ҳолда кўп квартирали уйлар ҳудудида бошқарув сервис компаниялари томонидан 24/7 иш тартибидаги фаолият ташкил қилинди. Совуқ об-ҳаво шароитида тизим фаолиятини самарали ташкил этиш, талафотларни тезкорлик билан бартараф этиш ва турли салбий вазиятларнинг олдини олиш мақсадида барча ҳудудларда тезкор ишчи гуруҳлар шакллантирилди.**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда ҳокимликлар вакилларидан иборат навбатчилик гуруҳлари ташкил этилиб, аҳоли кайфиятига таъсир кўрсатувчи омилларни тезкор олдини олиш ҳамда улар томонидан билдирилаётган муаммоларни жойида бартараф этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи 250 дан ортиқ БСКнинг 5 000 нафарга яқин ходими ўз ҳудудига тегишли бўлган кўп қаватли уйларни аҳоли учун хавфсиз маконга айлантириш мақсадида меҳнат қилмоқда. Аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида ҳозиргача кўп квартирали уйларнинг 48 457 та кириш йўлаклари қордан тозаланиб, 92 541 кв/м майдонга қум-туз аралашмаси сепилди. Кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудида қор ёғиши натижасида синган манзарали ва мевали дарахтларнинг 347 таси тартибга келтирилди. Ушбу ишларни амалга оширишга 300 дан ортиқ техника жалб қилинди.

Таъкидлаш жоизки, республика бўйлаб барча бошқарув ташкилотлари ушбу синовли кунларни беталафот ўтказиш учун зарур бўлган моддий-техника базасига эга. Мавжуд 800 дан ортиқ бошқарув ташкилотининг авария-диспетчерлик хизматлари фаолият юритмоқда.

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Хоразм вилоятида лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари вакиллари билан очиқ мулоқот ташкил этилди.**



"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинги ва қурилиш соҳасида электрон тендер савдолари, мутасадди вазирлик ва идоралар электрон маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ҳамда бу жараёнлар инсон омилисиз автоматик шакллантирилмоқда. Республикамиз ҳудудларида ташкил этилаётган очиқ мулоқотларда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари вакилларининг рейтинг кўрсаткичларига оид масалалар, савол ҳамда таклифлари тингланмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Хоразм вилоятида бўлиб ўтди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш республика маркази директори М. Загрутдинов ҳамда масъуллар иштирокида ўтказилган учрашувда рейтинг кўрсаткичлари юзасидан лойиҳа ва пудрат ташкилотлари вакилларида йиғилиб қолган саволлар ўртага ташланиб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

# “ИНСОН ҚАДРИ” ТАМОЙИЛИ УСТУВОР ЮРТ



Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги Оқтош ота маҳалласи ҳудудида қад рослаётган “Янги Ўзбекистон” массиви.



Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида қад рослаётган “Янги Ўзбекистон” массиви.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сонли фармонига мувофиқ республикамизнинг барча ҳудудларида массивлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.**

Фармонга кўра, массивларда аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойларни барпо этиш билан бир қаторда ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш кўзда тутилганди.

Ана шу мақсадларда Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги Оқтош ота маҳалласи ҳудудида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивида қурилиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Лойиҳага кўра, ушбу массивда жами 105 та уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш режалаштирилган. Шунингдек, 50 гектарлик “Янги Ўзбекистон” боғи келажакда ҳудуд аҳолиси ва меҳмонлари учун маданий ҳордиқ масканига айланади.

Келажакда 400 гектар ер майдонини қамраб олиши режалаштирилган янги массивда 2022-2026 йилларда жами 3 040 та хонадонли 64 та, шундан 8 та 16 қаватли, 56 та 9 қаватли уй-жойлар барпо этилиши режалаштирилган. Ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ва талаб даражасига келтириш мақсадида 8,3 километр электр энергия тармоғи, 6,4 километр табиий газ, 5 километр ичимлик суви тармоғи, 7,7 километр оқава сув тармоғи тортилиши режалаштирилган. Шунингдек, 3,7 километр йўллар барпо этилиши белгиланган.

Мазкур массивда айни пайтда 1680 ўринли мактаб, 300 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника каби объектларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари бошлаб юборилган. Бу борада 5 қаватли мактабни қуриш жараёни жадаллик билан олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, “Янги Ўзбекистон” массивида барпо этилаётган уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида қиймати 50 миллиард сўмлик бўлган кўмир билан иситиладиган гигант қозонхона қурилди. Бу улкан қозонхона кўмир ёқилғисида ишлайди ҳамда мазкур қурилма ҳозирча Ўзбекистонда ягонадир. Куз-қиш мавсумида ушбу марказлашган қозонхонада ойига 50 минг тонна кўмир сарфланади.

– Бу қозонхонанинг умумий баландлиги 23 метрни ташкил этиб, 10 минг мегабайт кучланиш билан иссиқлик етказиб беради, – деди қурилиш ташкилоти вакили Миржалол Абдураҳмонов. – Қозонхона қум шаклида келган кўмирда ёниб сувни иситиб бериш имкониятига эга бўлади. Ҳозирда қозон тўлиқ иш фаолиятига тайёр.

Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, янги массив ҳудудида амалга оширилаётган қурилиш ишлари лойиҳасининг 3D макети жойлаштирилган томоша зали ташкил этилган. Бу ерда маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар яқин келажакда қурилиши режалаштирилган бино ва иншоотлар борасида батафсил маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Сурхондарёда ҳам “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Айни кунларда вилоятнинг Ангор, Жарқўрғон, Сариосиё ва Бойсун туманларидаги массивларда жами 1 600 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилмоқда.

Очиғи, бундан икки-уч йил илгари Жарқўрғон туманидаги Қора янтоқ маҳалласида замонавий қиёфага эга шаҳарча бунёд этилади, дейишса ҳеч ким ишонмасди. Унинг атрофи қумликлардан иборат чўл ҳудуд ҳисобланиб, туман марказида аҳоли зич яшайди. Туман марказида инфратузилма юқори даражада эмас. Масалан, канализация тизими бўлмагани сабабли туман марказида кўп қаватли уйларни қуриш у ерда яшаётган аҳоли учун бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин эди. Шу сабабли мутахассисларнинг фикридан келиб чиқиб, марказдан ташқарида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай келаётган ерларда турар жой биноларини қуриш ҳар тарафлама маъқул келди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кўркам кўринишдаги “Янги Ўзбекистон” массиви қад ростлади.

Аҳоли учун яратилаётган шарт-шароитлар, зарур инфратузилма ижтимоий, иншоотларнинг мажмуа ҳолда бунёд этилиши унинг ҳақиқатан ҳам намунали лойиҳа асосида барпо этилаётганини намоён этмоқда. Маълумот учун айтиш керак, 2026 йилга қадар ушбу массивда 86 та кўп қаватли уйлар, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма қурилиши белгиланган. Шу кунга қадар ушбу массивда 14 та 5 қаватли 352 хонадонли турар жой, 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 50 ўринли қишлоқ оилавий поликлиника ва 330 ўринли мактаб биноларининг қурилиш-монтаж ишлари якунланди.

– Қора янтоқ маҳалласи бугунги кунда одамлар танимайдиган бир ажойиб шаҳарга айланди, – деди меҳнат фахрийси Соат Жумаев. – Фарзандларимизга ажойиб мактаб, иккита болалар боғчаси қурилди. Бу ерда яна 80 та кўп қаватли уйлар қурилади. Буларнинг барчаси халқимизнинг, фарзандларимизнинг келажаги учун.

Бойсун туманида ҳам бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги хонадонлар калитини қабул қилиб олаётган ҳар бир юртдошимиз инсон қадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлардан миннатдор. Бир нафар ногирон фарзандини ёлғиз ўзи вояга етказаётган бойсунлик Дилноза Одилова шу кунга қадар ўз уйига эга эмас эди. Лекин унинг ҳам бугун орзуси ушалди. Яқинда “Янги Ўзбекистон” массивида қурилган уйларда ташкил этилган ижтимоий хонадонлардан бири Дилнозага берилгани унинг отасини ҳам қувонтирди.

– Иккинчи фарзандим Дилноза ўзим билан яшар эди, – деди Каромат Одилов. – Унга барча шарт-шароитларга эга ижтимоий уйлардан бири берилди. Бунинг учун Давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Албатта, юртдошларимизнинг бундай хурсандчилигини юртимизнинг деярли барча ҳудудларида кўриш мумкин. Халқимизнинг кечагидан кўра эртага фаровонроқ яшашда юртимизда “Инсон қадри” тамойили устуворликка эгалигини англаш қийин эмас.

# Эски бинолар ўрнида замонавий иншоотлар қурилади

**“Инсонга наф келтириш – олий бахт” тамойили асосида бошланган ислоҳотлар жараёнида ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва турар жойга муҳтожлар учун кўп қаватли уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари қуриш қаторида маъмурий иншоотлар, мактаб ва болалар боғчалари каби эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлган биноларни қайта реконструкция қилиш, янгиларини бунёд этиш каби вазифалар давлатимизнинг бош мақсадларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.**

Республикамизнинг айрим ҳудудларида мактаб ўқувчилари ҳозиргача пахсадан қурилган биноларда ўқиётганини инкор қилиб бўлмайди. Эндиликда давлат дастурлари шарофати билан ана шундай бинолар ўрнида ҳар томонлама замон талабига жавоб берадиган янги мактаблар қурилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам мазкур йўналишда катта ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда вилоят ҳокими фармойиши билан ҳудуддаги айрим туманларда бир нечта пахсадан қурилган мактабларни реконструкция қилиш, замонавийларини бунёд этиш бўйича вилоят бюджетининг 2024 йил бошида шаклланган эркин маблағлари ҳисобидан маблағ ажратилди. Ушбу маблағни тасарруф этиш, қуриш ва реконструция ишлари учун вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси масъул этиб тайинланди. Айни пайтда бу йўналишга ажратилган маблағлар ҳисобидан Бекобод туманидаги 26-мактабда 320 ўринли қўшимча бино, Пискент туманидаги 19-мактабда 220 ўринли бино, Зангиота туманидаги 20-мактабда 120 ўринли ўқув бинолари ва спорт заллари қуриладиган бўлди. Ушбу иншоотлар жорий йил ҳисобидан тез ва сифатли қилиб тикланиши режалаштириляпти. Ҳозирда барча бинолар учун лойиҳалар тайёрланиб, экспертизадан ўтказилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, вилоят ҳокимининг бу ташаббуси республикамизда биринчиси эмас. Бир муддат аввал Жиззах вилоятида “Тасвирий ойна” биносини янгилаш, қўшимча бинолар қуриш учун вилоят ҳокими захирадан зарур маблағ ажратган бўлса, Тошкент шаҳар ҳокими эса пойтахтдаги дренаж тизимларини реконструкция қилишга маблағ берган эди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Боғотда IT-парк барпо этилди




**Суратда:** Боғот туманида барпо этилган IT-парк биноси.
**Беҳзодбек САИДОВ (ЎзА)** олган сурат.

**Президентимиз 2023 йилда Хоразм вилоятига ташрифи давомида IT-паркнинг вилоят филиали фаолияти билан танишиб, бундай марказларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди.**

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида IT-парклар ташкил этилиб, босқичма-босқич фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов Боғот туманида барпо этилган IT-паркка борди. Яқин кунларда иш бошлайдиган ушбу маскан ёшларга рақамли технологиялар йўналишида таълим бериш, ушбу соҳада компаниялар ташкил этиш, стартап лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш, фрилансерлик, IT аутсорсинг йўналишида фаолият юритиш, IT экспорти билан шуғулланиш ва жаҳон IT бозорига чиқишга имкон яратади.

# НАЗОРАТ ҚАТЪИЙ БЎЛСА, қурилишда ўзбошимчалик бўлмайди



**Замонавий корхоналар қуриб, вақтинчалик ишсиз мақомини олганларнинг доимий бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш ҳисобига янги технологияларни олиб кириш, айниқса, уй-жойга муҳтожлар талабини босқичма-босқич қондириш сингари долзарб масалалар бунёдкорларнинг шу кундаги асосий вазифасига айланган. Бу улкан юмушларни жаҳон андозаларига мос келадиган даражада уддалаш ҳар кимга ҳам хос иш эмас. Бугунги кунда ана шу талаблар фойдаланишга топширилаётган иншоотларда мукаммал ва бекаму кўст бажариляптими?**

**Мухбиримиз Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВнинг Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Баҳром МАДАМИНОВ билан суҳбати ана шу масалаларга қаратилди.**

**– Ҳар қандай иншоотни қуриш эндиликда соҳадагилар учун муаммо эмас. Зеро, уни лойиҳада кўрсатилган тартиб ва сифатли қуриш долзарб масаладир. Ҳозир ҳисобот эмас, ҳақиқатни айтадиган давр. Фойдаланишга топширилган ва айни пайтда қурилаётган биноларда шу сингари ҳолатлар учраяптими, мабодо, шундай аҳволга дуч келинаётган бўлса, уларга нисбатан қандай чоралар қўлланилмоқда?**

– Кейинги даврда Оролбўйи минтақасида ҳам аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб кўп қаватли уй-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа объектлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, 2023 йилда мақсадли дастурлар доирасида 124 та 4 700 хонадонли квартира ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш белгиланган эди. Уларнинг 101 таси ҳудудий инспекция рўйхатидан ўтган бўлиб, 38 таси фойдаланишга топширилди. “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиши мўлжалланган 29 та кўп қаватли турар жойнинг 23 таси йилдан йилга ўтувчи, янгитдан бошланадиган 6 та объектдан 1 таси рўйхатдан ўтган, 5 тасида қурилиш-монтаж ишлари инспекциядан рўйхатдан ўтказилмагани учун қурилиш ишлари ҳозирча тўхтаб турибди.

Объектларни бунёд этишда хусусий тадбиркорлар бажараётган ишлар, айниқса, алоҳида назоратга олинган. Бунинг сабаби кейинги даврда объектларни тиклаш жараёнида сифатсиз материаллардан фойдаланаётганлик даражаси кўпроқ уларнинг ҳиссасига тўғри келаётганидир. Улар қураётган 95 та бинонинг 77 таси рўйхатдан ўтказилди ва ишлатилаётган ҳар бир материал алоҳида назоратга олингани туфайли 29 тасида барча ишлар сифатли бажарилди.

**– Мамлакатимизда қурилиш соҳасида ҳар йили кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Бундан мақсад, ҳар бир бино ва иншоотнинг мустаҳкамлиги ва сифатини таъминлашдан иборат. Таассуфки, қурувчилик соҳасини касбим, келажагим, демасдан “шахсий бизнес”га айлантираётган ва унга лоқайдлик билан қараб, ҳеч қандай рухсатларсиз ўзбошимчалик билан иш тутаётганлар ҳам учраётгани сир эмас. Оролбўйи минтақасида ҳам шундай ҳолатларга дуч келиняптими?**

– Қурилиш соҳаси ўйинчоқ эмаски, уни ҳар ким ўзи истаган шаклига келтираверса. Давлатимизда бунёдкорлик билан шуғулланувчиларнинг фаолияти қонунлар билан белгилаб қўйилган. Лекин гуруч курмаксиз бўлмас экан. Айни пайта бу сингари вазиятларни ходимларимиз жиддий ўрганиб тегишли хулосалар беришмоқда.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айтайлик, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва шаҳарлари кесимида инспекция ходимлари томонидан олиб борилган таҳлиллар давомида 234 та тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан инспекцияни хабардор қилмаган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилгани аниқланган. Шундан сўнг, улардан 180 таси техник кўрикдан тўлиқ ўтказилди ва 21 тасида қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилиб, судга демонтаж қилиш бўйича даъво аризалари киритилди.

Шулар баробарида объектларни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан 981 та ариза келиб тушганди. Уларнинг 333 таси ижобий ҳал қилиниб, 648 тасида аниқланган камчиликлар юзасидан рад жавоби берилди.

Шунингдек, инспекция кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаган, қурилиш-монтаж ишларини олиб борган буюртмачи ва пудрат ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан 411 та ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маъмурий чоралар кўрилди. Лойиҳа ташкилотлари, пудрат ташкилотлари ишларидаги камчиликлар учун лицензия ва рухсатномаларни тўхтатиш юзасидан ҳам тегишли тартибда ишлар олиб борилмоқда.

Объектларида сифати паст, яроқсиз материаллар ва буюмлар аниқлангани юзасидан эса давлат стандарти ташкилотларига 105 та, муаллифлик ҳамда техник назорат мутахассисларининг фаолиятидаги камчиликлар учун 63 та тақдимномалар киритилиб, шу кунларда бу масала тегишли тартибда жиддий ўрганиб чиқилмоқда.

**– Мавзуга дахлдор яна бир муҳим масала бор. Яъни, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш юзасидан қурилиш-монтаж ишлари, синов лаборатория ва уларнинг сейсмик ҳолати бўйича электрон паспорт юритилиши қатъий даражада шаклланганми?**

– Сўнгги йилларда ривожланган давлатлардаги илғор тажрибалар бошқа тармоқлардаги сингари қурилиш соҳасида ҳам кенг қўлланиляпти ва улар кутилган натижани бераётир. Бу эса иншоотлар замонавий ҳамда талаб даражасида бўлиши учун юқоридаги ҳолатларга қатъий риоя этишда жуда муҳим ўринга эга.

Бу масала бўйича шу кунга қадар тизимдан ўрин олган 2 453 та фойдаланишга топширилган объектларнинг 1 664 таси тармоқ объектлари ҳисобланиб, мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилишга киритилган. 789 таси эса янги қурилиш объектлари, қолган 755 тасининг электрон техник паспортлари ва бошқа зарур ҳужжатлари шакллантирилган, 34 тасида қилиниши лозим бўлган ишлар олиб борилмоқда.

**– Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш соҳасида янги тизимга ўтилганига ҳам салкам икки йил бўлиб қолди. Бироқ баъзи бошқарув компанияларида асосий бурчлари нималардан иборат эканини ҳанузгача билмаслик ҳолати мавжуд. Бу эса аҳоли ва бошқарув компаниялари ўртасида айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётгани бор гап. Шу жараёнда инспекция ходимларининг иштироки қандай бўляпти ва назоратни амалга оширишда муаммо ёки камчиликлар борми?**

– Ҳудудий назорат инспекция томонидан мавжуд компаниялар ўртасида соҳага дахлдор қонунлар юзасидан бир неча бор семинар-тренинглар ўтказилиб, зарур қўлланмалар тарқатилди. Кўп қаватли турар жойларда яшовчилар учун доимий равишда учрашувлар ва бошқа тадбирлар уюштириляпти.

Аммо ҳали кутилган натижага эришилди, деб айтолмайман. Чунки камчиликлар кўп, айрим фуқаролар кўп қаватли уйда яшовчининг бурчи нималардан иборатлигини билган ҳолда тартиб-тамойилдан четга чиқаётгани ачинарлидир. Масалан, 14 та ҳолатда уйларнинг таянч, 33 тасида тўсиқ конструкциялари, 94 тасида ички коммуникация тизими, 109 тасида эса умумий фойдаланишда бўлган жойларда қонунга зид ўзлаштиришлар қилинган. Инспекция ходимларининг аралашуви билан ўтган йили худди шунга ўхшаш 256 та ҳолат аниқланиб, 73 таси ўрнида бартараф қилинди. 96 тасига нисбатан маъмурий жарима қўлланилди. 87 тасига компаниялар ҳеч қандай чора кўрмагани маълум бўлди.

Мажбурий кўрсатма талаблари бажарилмаган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 159-моддасига кўра 412,2 млн сўмлик 67 та баённомалар расмийлаштирилиб, жарималар қўлланилди. Муаммо шундаки, компанияларнинг эътиборсизлиги туфайли бир неча бор огоҳлантиришлардан сўнг ҳам ҳолатни ўзгартирмаган 183 та хонадон эгалари бўйича судларга даъво аризалари киритилмаган.

**– Халқимизда, “Сув зар, сувчи заргар”, деган нақл бор. Бугунги кунда сувнинг ҳар томчиси тиллога тенглаштирилгани ҳам бежиз эмас. Буни айниқса, Оролбўйи минтақасидагилар яхши билишади. Айтмоқчимизки, ичимлик ва оқова сув тизимида ҳам инспекция ходимлари назорат тартиби ўрнатганми, бу борадаги натижалар қандай бўляпти?**

– Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими вазирликнинг ўтган йилнинг 15 ноябрдаги 87-сонли буйруғига биноан ичимлик суви бўйича 528 та сифат таҳлили ўтказди ва шу аснода ҳар ойда 110 та таҳлил олиш режалаштирилган.

Айтиш керакки, Давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли минтақамиздаги ичимлик суви билан боғлиқ муаммо тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда нафақат Нукус шаҳри, балки энг чеккада жойлашган маҳалла ва овуллардаги кўп қаватли уйлар ҳамда якка тартибдаги хонадонларга ҳам тоза ичимлик суви кириб борди. Фуқароларимиз бу эътибордан миннатдор ва унинг қадрига етаётгани натижасида исрофгарчиликларга батамом барҳам берилган. Шунга қарамай, ходимларимиз бу масалада эътиборни сусайтиргани йўқ, таҳлиллар доимий равишда ўтказилмоқда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№12 (765) 2024 йил 20 февраль



# ҚУМ-ШАҒАЛ ҚАЗИБ ОЛИШГА МОРАТОРИЙ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ



**Сўнгги йилларда юртимизда қурилиш кўламининг кенгайиши баробарида дарё ўзанлари, соҳил бўйи минтақалари ва сувни муҳофаза қилиш ҳудудларида норуда ашёларни қазиб олиш билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бормоқда.**

Шу билан бирга, ноқонуний равишда қум-шағал қазиб олиш билан боғлиқ ишлар туфайли табиатга зарар етказилмоқда. Бунинг оқибатида сув ресурслари захираларининг камайиб кетиши, дарё қирғоқларининг емирилиши ва турли чиқиндилар билан ифлосланиши кузатилмоқда. Натижада суғориш тизимлари, электр энергияси, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларига зарар етказилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 январда дарё ўзанларини тўпланиб қолган норуда материаллардан тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга оширишда экологик хавфсизликни таъминлаш орқали юзага келган вазиятни яхшилаш мақсадида қабул қилинган "Сув ҳавзаларида норуда материалларни қазиб олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Чирчиқ, Сангзор, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари қаторида Норин дарёси ўзанидаги норуда материалларни қазиб олишга муддатсиз мораторий жорий қилинди, – деди Наманган вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори Сардорбек Раҳматуллаев. – Фармонга асосан, 2024 йил 1 майдан бошлаб Норин дарёси ўзани, дарёнинг соҳил бўйи минтақаси ва сувни муҳофаза қилиш зонасида норуда материалларни қазиб олишга мораторий жорий қилинди. Яъни, эндиликда соҳада фаолият юритаётган барча субъектлардан тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши талаб этилади.

Шу ўринда, "мораторий " сўзига изоҳ бериб ўтиш айни муддаодир. Мораторий деганда – муайян мажбуриятларнинг бажарилишини давлат ҳокимиятининг махсус ҳужжатлари воситасида номаълум муддатга ёки бирон-бир фавқулодда ҳодиса тугагунча кечиктириш, тўхтатиб туриш тушунилади. Ушбу даврда дарё ўзанлари, соҳил бўйи минтақалари ва сувни муҳофаза қилиш зоналаридан қум-шағал материалларини ноқонуний қазиб олиш натижасида табиатга етказилган зарар суммалари 10 бараварга оширилган ҳолда қўлланилиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларни мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузганлик учун жарима миқдорларини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш жазосини кенгайтириш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, дарё ўзанлари, соҳил бўйи минтақалари ва сувни муҳофаза қилиш зоналаридан қум-шағал материаллари қазиб олиш тақиқланади ва тоғли ёки тоғолди ҳудудларда (қуруқликда) жойлашган муқобил кон участкаларида қазиш ишлари ташкил этилади. Қум-шағал материаллари қазиб олиш ҳуқуқи фақат "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали реализация қилинади.

– Норин дарёси марказий Тўхтағул сув омборидан бошланади ва умумий узунлиги 807 километрни ташкил этиб, вилоят ҳудудидан ўрта ўзан бўйлаб 44 километр масофада оқиб ўтади, – деди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси шўъба бошлиғи Бунёдбек Аҳмадалиев. – Дарёнинг Учқўрғон тумани чегарасидан Сирдарёнинг бошланиш чегарасигача ўзанини кенглиги 150-400 метрни ташкил этади. Сув ўтказиш қобилияти – 1500 м$^3$/с. Норин дарёсидан Шимолий Фарғона каналига – 110 м$^3$/с миқдорида, Катта Наманган магистрал каналига – 61 м$^3$/с миқдорида, Учқўрғон гидроузели орқали Катта Андижон каналига ўртача – 200 м3/с миқдорида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш мақсадида сув олинади.

Дарёнинг охирги беш йиллик (2017-2022 йиллар)да 2017 йил июль ойида энг катта сув сарфи – 1270 м$^3$/с бўлса, энг кичик сув сарфи 2020 йил сентябрь ойида – 218 м$^3$/с оққанлиги маълум. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 апрелдаги "Наманган вилоятидаги Норин дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зонаси ва қирғоқбўйи полосасини белгилаш тўғрисида"ги қарорига биноан, 4310,7 гектар сувни муҳофаза қилиш зонасидан 459,3 гектари қирғоқ бўйи минтақаси этиб белгиланган.

Шунингдек, Норин дарёсининг ўзани, соҳил бўйи минтақаси ва сувни муҳофаза қилиш зонасида жойлашган норуда материалларни қайта ишлаш корхоналари тоғ ва тоғ олди ҳудудларига ёки ушбу ҳудудларнинг яқинида жойлашган кичик саноат зоналарига кўчирилади. Тадбиркорлик субъектларига шарт-шароит яратиш мақсадида қўшимча кичик саноат зоналари ташкил қилинади ҳамда уларда муҳандислик инфратузилма объектлари барпо этилади. Дарё ўзанларидан қум-шағал материалларини қазиб олишни "Хавфсиз дарё бошқармаси" давлат муассасаси, Давлат экологик назорат инспекцияси ҳамда Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг ўзаро ҳамкорлиги таъминлаган ҳолда мониторинг қилинади ва бу борада доимий рейдлар ўтказилади.

Юқоридагиларга асосан, жисмоний ва юридик шахслар Норин дарёсидан ноқонуний равишда қум-шағал аралашмаларини қазиб олиниши билан боғлиқ қонунбузилишига йўл қўйган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

**"O'zbekiston bunyodkori" мухбири Муҳиддин МАҒЗУМОВ ёзиб олди.**

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Қирғоқ ҳимояловчи дамбалар ва ўзан расталовчи иншоотлар бошқармасининг 2024 йил 19 февралдаги 01/04-06-сонли алоқа хатига асосан, Беруний тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 822 САА бўлган, таъмирталаб қониқарсиз ҳолатдаги "КамАЗ-5511" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 10 967 000 сўм.

**Аукцион савдо 2024 йил 25 март куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача. Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанба кунларидан ташқари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7005 7145 2012 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.
**Тел.:** 61-222-84-44.
**Расмий сайт:** www.rmm.uz

## "QASHQADARYO TEXNOLOGIK TRANSPORT" AJ

### акциядорлари диққатига!

"Qashqadaryo texnologik transport" AJ Кузатув кенгашининг 2024 йил 19 февраль куни бўлиб ўтган йиғилиш қарорига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 19 март соат 10.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй манзилидаги жамият биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Умумий йиғилишга келган акциядорларни (уларни вакилларини) рўйхатга олиш соат 9.00 дан 10.00 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2024 йил 19 февраль ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2024 йил 13 март.

### Кун тартиби:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг регламенти ва саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгаши аъзосини сайлаш.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва юридик шахснинг раҳбари имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар йиғилиш материаллари билан 9.00 дан 16.00 га қадар жамият Қимматли қоғозлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

**"Qashqadaryo texnologik transport" AJ жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй.
**Жамиятнинг электрон почта манзили:** qashqadaryotextrans@mail.ru, qatt00@mail.ru
**Батафсил маълумот учун телефон:** 99-545-53-58.

**"Qashqadaryo texnologik transport" AJ ижроия органи.**

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "LOMBARD TASHKREDIT" МЧЖнинг 2024 йил 15 февралдаги 29-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 13, 16 ноябрь ва 2024 йил 29 январдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғиич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 4192 | Кольцо 1 шт., о.в. 7,74 гр., ч.в. 7,40 гр., 585 пр. | 3 516 811,28 |
| 2. | 4303 | Серьги с дефектом 1 пара, о.в. 6,56 гр., ч.в. 5,10 гр., 585 пр. | 2 255 523,28 |
| 3. | 4878 | Цепь 2 шт., кольца 2 шт., о.в. 30.17 гр., ч.в. 29.87 гр., 585 пр. пр. | 15 864 750,00 |
| 4. | 5104 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 5,28 гр., ч.в. 5,10 гр., 585 пр. | 2 240 551,04 |
| 5. | 5127 | Серьги 1 пара, о.в. 2,39 гр., ч.в. 2,39 гр., 585 пр. | 1 116 913,92 |
| 6. | 5216 | Серьги с дефектом 1 пара, о.в. 4,79 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 1 852 347,44 |
| 7. | 5314 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,78 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр. | 1 260 204,64 |
| 8. | 5523 | Серьги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 7,29 гр., ч.в. 7,19 гр., 585 пр. | 2 161 262,00 |
| 9. | 5755 | Браслет 1 шт., кулон 1 шт., кольца 2 шт., о.в. 8,04 гр., ч.в. 7,50 гр., 585 пр. | 3 431 623,84 |
| 10. | 5762 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр. | 712 720,00 |
| 11. | 5792 | Кольцо 1 шт., о.в. 6,44 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр. | 1 954 535,20 |
| 12. | 6075 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,99 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. пр. | 1 623 750,00 |
| 13. | 6164 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,26 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. | 840 716,90 |
| 14. | 6630 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,49 гр., ч.в. 3,29 гр., 585 пр. | 1 426 127,44 |
| 15. | 6690 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 746 050,00 |
| 16. | 6777 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,78 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр. | 2 003 500,00 |
| 17. | 6800 | Браслет 1 шт., о.в. 4,34 гр., ч.в. 4,34 гр., 585 пр. | 2 090 885,20 |
| 18. | 6949 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., браслет с дефектом 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 23,59 гр., ч.в. 23,59 гр., 585 пр. | 12 457 000,00 |
| 19. | 6995 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,61 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 1 321 750,00 |
| 20. | 7039 | Серьги 1 пара, о.в. 8,08 гр., ч.в. 7,50 гр., 585 пр. | 4 169 950,00 |
| 21. | 7125 | Серьги 1 пара, о.в. 4,92 гр., ч.в. 4,62 гр., 585 пр. | 2 382 250,00 |
| 22. | 7129 | Серьги и кольцо 1 комплект, серьги 2 пары, кольца 3 шт., о.в. 24,80 гр., ч.в. 21,30 гр., 585 пр. | 11 526 276,11 |
| 23. | 7130 | Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 5,96 гр., ч.в. 5,76 гр., 585 пр. | 2 912 500,00 |
| 24. | 7166 | Кольца 3 шт., серьги 1 пара, кольцо и серьги 1 комп., о.в. 18,61 гр., ч.в. 18,21 гр., 585 пр. | 10 487 500,00 |
| 25. | 7228 | Кольцо 1 шт., о.в. 6,55 гр., ч.в. 6,30 гр., 585 пр. | 3 064 000,00 |
| 26. | 7235 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,94 гр., ч.в. 1,64 гр., 585 пр. | 943 000,00 |
| 27. | 7244 | Цепь 1 шт., о.в. 1,63 гр., ч.в. 1,63 гр., 750 | 1 123 775,46 |
| 28. | 7255 | Серьги 5 пары, о.в. 17,44 гр., ч.в. 16,30 гр., 585 пр. | 9 124 000,00 |
| 29. | 7374 | Браслет 1 шт., о.в. 4,44 гр., ч.в. 3,90 гр., 585 пр. | 2 155 000,00 |
| 30. | 7384 | Браслет 1 шт., о.в. 2,52 гр., ч.в. 2,52 гр., 585 пр. | 1 473 250,00 |
| 31. | 7406 | Браслет 1 шт., о.в. 22,62 гр., ч.в. 22,30 гр., 585 пр. | 11 659 251,90 |
| 32. | 7425 | Серьги 1 пара, о.в. 3,10 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр. | 1 473 250,00 |
| 33. | 7427 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,13 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 1 064 200,00 |
| 34. | 7438 | Цепь с дефектом 1 шт., о.в. 4,93 гр., ч.в. 4,93 гр., 585 пр. | 2 597 380,00 |
| 35. | 7469 | Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 3,08 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр. | 1 549 000,00 |
| 36. | 7471 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,45 гр., ч.в. 5,30 гр., 585 пр. | 2 609 500,00 |
| 37. | 7547 | Браслет 1 шт., о.в. 40,91 гр., ч.в. 40,91 гр., 750 | 23 041 800,00 |
| 38. | 7581 | Кулон 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 3,59 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр. | 1 549 000,00 |
| 39. | 7613 | Цепи 3 шт., браслеты 2 шт., кольца 2 шт., о.в. 43,27 гр., ч.в. 43,00 гр., 585 пр. | 25 031 500,00 |
| 40. | 7617 | Серьги и кольцо 3 комплекта, серьги 2 пары, кольца 2 шт., браслет 1 шт., о.в. 43,70 гр., ч.в. 43,50 гр., 585 пр. | 25 031 500,00 |
| 41. | 7687 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,33 гр., ч.в. 3,33 гр., 585 пр. | 1 781 098,00 |
| 42. | 7754 | Кольцо и серьги 1 ком. браслет 1 шт., о.в. 19,43 гр., ч.в. 14,73 гр., 585 пр. | 9 124 000,00 |
| 43. | 7801 | Колье 1 шт., кольца с дефектом 2 шт., о.в. 28,31 гр., ч.в. 28,20 гр., 585 пр. | 16 699 000,00 |
| 44. | 7860 | Браслет 1 шт., серьги и кольцо 1 комплект, серьги 4 пары, кольцо 1 шт., о.в. 47,25 гр., ч.в. 43,70 гр., 585 пр. | 25 031 500,00 |
| 45. | 7900 | Подвеска 1 шт., о.в. 13,69 гр., ч.в. 13,50 гр., 585 пр. | 7 760 500,00 |
| 46. | 7950 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 4,16 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. | 2 306 500,00 |
| 47. | 7991 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,45 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 2 458 000,00 |
| 48. | 8043 | Серьги 1 пара, о.в. 3,04 гр., ч.в. 3,04 гр., 585 пр. | 1 700 500,00 |
| 49. | 8141 | Кольца 3 шт., о.в. 7,97 гр., ч.в. 7,90 гр., 585 пр. | 4 579 000,00 |
| 50. | 8164 | Кольца 2 шт., о.в. 4,26 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 2 458 000,00 |
| 51. | 8297 | Серьги 1 пара, о.в. 5,84 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр. | 2 685 250,00 |
| 52. | 8298 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,76 гр., ч.в. 2,76 гр., 585 пр. | 2 079 250,00 |
| 53. | 8364 | Серьги 1 пара, о.в. 2,07 гр., ч.в. 2,07 гр., 585 пр. | 1 018 750,00 |
| 54. | 8502 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 15,81 гр., ч.в. 15,50 гр., 585 пр. | 8 972 500,00 |
| 55. | 8554 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 897 550,00 |
| 56. | 8610 | Кольцо и серьги 1 комп., о.в. 8,36 гр., ч.в. 8,36 гр., 585 пр. | 4 882 000,00 |
| 57. | 8622 | Серьги 1 пара, о.в. 1,92 гр., ч.в. 1,92 гр., 585 пр. | 1 094 500,00 |
| 58. | 8637 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 9,60 гр., ч.в. 9,60 гр., 585 пр. | 5 488 000,00 |
| 59. | 8638 | Браслет 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 7,22 гр., ч.в. 6,40 гр., 585 пр. | 3 821 500,00 |
| 60. | 8739 | Кольца с дефектом 11 шт., серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 47,00 гр., ч.в. 37,00 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,26 гр., ч.в. 4,26 гр., 750 пр. | 24 274 000,00 |
| 61. | 8749 | Серьги и кольцо комплект, о.в. 7,61 гр., ч.в. 6,70 гр., 585 пр. | 3 821 500,00 |
| 62. | 8759 | Кольца с дефектом 2 шт., браслеты 2 шт., о.в. 10,16 гр., ч.в. 9,90 гр., 585 пр. | 5 639 500,00 |
| 63. | 8762 | Цепь 1 шт., о.в. 5,79 гр., ч.в. 5,79 гр., 585 пр. | 3 367 000,00 |
| 64. | 8859 | Цепь 1 шт., с дефектом, кольца 3 шт., о.в. 14,11 гр., ч.в. 13,70 гр., 585 пр. | 7 609 000,00 |
| 65. | 8938 | Браслет 1 шт. с дефектом, о.в. 3,35 гр., ч.в. 3,35 гр., 585 пр. | 2 003 500,00 |
| 66. | 9148 | Кольцо 1 шт., о.в. 6,38 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр. | 2 427 700,00 |
| 67. | 9363 | Цепь 1 шт., о.в. 6,02 гр., ч.в. 6,02 гр., 585 пр. | 2 609 500,00 |
| 68. | 9435 | Кольцо с дефектом 1 шт., о.в. 10,83 гр., ч.в. 9,83 гр., 585 пр. | 5 639 500,00 |
| 69. | 9517 | Серьги 1 пара, о.в. 0,83 гр., ч.в. 0,83 гр., 585 пр. | 488 500,00 |
| 70. | 9615 | Кольцо 2 шт., о.в. 5,50 гр., ч.в. 5,30 гр., 585 пр. | 3 064 000,00 |
| 71. | 9632 | Кольца 3 шт. с дефектом, серьга без пары 1 шт., браслет 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 23,10 гр., ч.в. 22,60 гр., 585 пр. | 12 911 500,00 |
| 72. | 9638 | Серьги 1 пара, о.в. 4,30 гр., ч.в. 4,30 гр., 585 пр. | 2 155 000,00 |
| 73. | 9699 | Цепь 1 шт., о.в. 6,63 гр., ч.в. 6,63 гр., 585 пр. | 3 518 500,00 |
| 74. | 9740 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,77 гр., ч.в. 1,77 гр., 585 пр. | 1 018 750,00 |
| 75. | 9779 | Кольцо 1 шт. с дефектом, цепь 1 шт., о.в. 4,91 гр., ч.в. 4,91 гр., 585 пр. | 2 836 750,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **392 066 503,65** |

Аукцион савдолар **2024 йил 26 март** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 22 март куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 26 март** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 9 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.
**Телефон:** 71-237-23-96.
**Расмий сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# Юрт равнақига ҳисса қўшиш ҳар кимнинг бурчи

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқанд давлат чет тиллар институтида янги, кўп қаватли замонавий ўқув корпусининг қад ростлаши ҳамда илгари фаолият кўрсатган 300 ўринли талабалар турар жойининг қайта реконструкция қилиниши профессор-ўқитувчилар ва ёшларнинг орзусини рўёбга чиқарди.**



Ҳар иккала бинонинг сифатли барпо этилиши учун лойиҳачи ташкилот “Arx idea project” МЧЖ, пудратчилар – “Самарқанд чинор қурилиш” ва “Сифат плюс қурилиш” МЧЖларнинг бинокорлари чин дилдан меҳнат қилишди. Буюртмачи – олий ўқув юрти раҳбариятининг таъкидлашича, иншоотларнинг бугунги кўринишга келиши, ўз ўрнига мос ҳамда бошқа биноларга монанд бўлиши кўп жиҳатдан назоратчиларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ экан. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг мазкур ҳудудга бириктирилган инспектори Ғулом Ёқубов ушбу иншоотлар қурилишида ҳар бир ишни доимий назорат қилиб тургани ҳам бу борада анча қўл келганини таъкидлаш керак.

– Ҳар қандай объект тикланишида назорат қилувчи органлар ёки уларнинг вакиллари эътиборидан ўтиши белгилаб қўйилган, – деди Ғулом Ёқубов. – Лойиҳачи, буюртмачи, пудратчи назоратидан ташқари, юқори ташкилотлар, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM каби ўнга яқин идора масъуллари ҳам лойиҳа ва қурилиш жараёнини синчиклаб ўрганиб, таклифлар билдиради. Зарурат туғилса, ўзгартириш киритади. Ўйлайманки, бу бинолар ҳар жиҳатдан мукаммал ва сифатли барпо этилиши қурилишга дахлдор кишиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, узвийлиги ва бамаслаҳат ишлашининг натижасидир.

Ғуломжон Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасида таваллуд топган. 2010 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетини тамомлаган. Ёшлигидан қурувчилик касбига қизиқиши туфайли бугун салмоқли ютуқлар соҳибига айланди.

Дарҳақиқат, қаерда тартиб-интизом мустаҳкам бўлса, у ерда ютуқларга йўл очилаверади. Ғуломжон ана шу қоидани ўзига шиор қилиб олган ёшлардан бири. Инспектор сифатида ўз зиммасига юклатилган вазифани ҳар доим масъулият билан бажариши туфайли бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Муҳими, талабчан йигит сўрашдан, тиним билмай изланишдан, ўқиб-ўрганишдан қочмайди. Ҳамкасблари, устозлари билан баҳслашиб, ўз билим-маҳоратини мустаҳкамлаш унга одат.

# ВАТАНПАРВАРЛИК амалда бўлиши керак!

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Инсон ватанпарликни танламайди, чунки ватанпарликни ўргатишнинг иложи йўқ. Инсон ўзи оид заминга туғма меҳр ва муҳаббат билан туғилади. Аммо келажакда у тўғри йўналтирилмаса, ҳимоя қилинмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Инсон манфаатли ишлар билан машғул бўлса, ундаги эзгу жиҳатлар аста-секин очилиб боради. Бугунги қаҳрамонимиз ҳам ўз ватанига садоқатли, халққа хизмат қилишни севадиган йигит. Ҳозирги кунда “Avayxon obod group” бошқарув сервис компаниясида сантехник вазифасида иш олиб бормоқда.**



Сардорбек Тиланбоев 2002 йил Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Қизил сой маҳалласида туғилган. Ёшлигидан тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги билан ажралиб турган. Ҳар бир нарсани мустақил бажаришга уриниши уни янги нарсаларга қўл уришга ундаган бўлса, ажаб эмас. Шунданми, ёш бўлишига қарамасдан савдо ва бизнеснинг кичик шакллари билан шуғулланишга ҳам улгурган. Аслида ўт ўчирувчи бўлишни орзу қилган. Айниқса, ўт ўчириш машинасини ҳайдаш, авария ҳудудига халоскор сифатида кириб келиш баъзан ёш Сардорнинг бутун хаёлини эгаллаган. Аммо тақдирнинг режалари бизникидан фарқ қилиши, афзалроқ бўлиши мумкин. Сардор Тиланбоев акасига инженерлик ишларида ёрдам бериб, қисқа вақтда бу ҳунарни ҳам ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Уни бу соҳага жалб қилган яна бир нарса – халқ билан доимий мулоқотда бўлиш ва уларнинг дуосини олиш ҳамдир.

Бу ҳақда ўзи шундай дейди:

– Илгари ватанга муносиб йигит бўлиш учун ҳарбий хизматга бориш керак, деб ўйлардим. Аммо ҳозир фикрларим бироз ўзгарди. Асл ватанга хизмат – шу юртда яшаётган ватандошларингнинг оғирини енгил, муаммосини ҳал қилишда экан. Оддий сантехник бўлсам ҳам, баъзан шундай дуо ва раҳмат айтишадики, янада кучга тўлиб, тўлқинланиб кетаман. Оддий одамлар билан гаплашиб, уларнинг корига яраб, танлаган касбимдан фахрланаман. Ҳаётнинг бош мақсади пул топиш эмас. Энг муҳими, сенга меҳр қўйишлари, ҳурмат қилишлари деб ҳисоблайман. Ўз ишингизнинг устаси бўлсангиз, даромадингиз ҳам яхши бўлади. Ишингиз сифатли бўлса, ҳамма сиз билан ишлашни хоҳлайди. Умримни, ҳаётимни орамиздаги оддий инсонларга хизмат қилишга, Ватанимнинг соф ва тўғрисўз фарзанди бўлишга тикканман.

Яшириб нима қилдим, бизга паст назар билан қарайдиганлар ҳам бор. Инсонлар билан оддий саломлашишдаёқ қандай одам эканлигини билиб олиш мумкин. Мен улар сабаб касбимни ёмон кўриб ёки чарчаб қолмайман. Лекин барибир, яхши одамлар кўп. “Avayxon obod group” БСКга келганимга бир йил бўлди. Аммо Икром ака ёш бўлишимга қарамай, менга катта ишонч билдирди. Аста-секин бу ишончни оқладим. Ҳалол меҳнат қилиш, одамлар олдида юзинг ёруғ бўлишидан ортиқ бахт йўқ. Келажакда ниятларим катта. Одамларга қўлимдан келганича, умрим етганича нафим тегадиган ишлар қилиш. Ўз бизнесим бўлишини ҳам олдимга мақсад қилиб қўйганман. Тенгдошларимга ўқимишли бўлишларини ва албатта, ҳунар эгаллашларини маслаҳат бераман. Умримиз, ёшлигимиз энг катта бойлигимиз. Ундан оқилона фойдаланишимиз керак.

Дарҳақиқат, баъзан оддий қиёфада, кўчада тинмай меҳнат қилаётган ободонлаштириш ходимларини, сантехник ё аравакашларнинг фикрларини эшитиб, қанчалар ношукур ва дангаса эканлигимиз маълум бўлади. Уларга Ватанни севиш учун юқори маош берилмайди, қулай шароит ҳам яратилмаган. Аммо уларга Яратган бебаҳо юрак берган. Бу юрак билан Ватанининг, оиласининг, маҳалласининг шаънига муносиб яшайдилар. Биз уларга раҳмат айтишни унутмаслигимиз керак.

Зеро, ушбу мақола ҳам фикримизнинг тасдиғи бўлиб хизмат қилсин...

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-241.
1771 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 23.35.
Топширилди – 23.50.

1 2 3 4 5 6

# Интернет фойдаланувчилари йил сайин ортмоқда



**Ўтган асрда ихтиро қилинган Интернет тармоғи инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. У ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари учун ҳам кундалик эҳтиёж бўлиб қолган. Мазкур тармоқдаги хилма-хил ахборотлар ва уларни алмашишдаги кенг имкониятлар сабаб фойдаланувчилар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда.**

Жумладан, 2023 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, ер юзида 5,16 миллиард Интернет фойдаланувчиси бўлиб, бу дунё аҳолисининг 64,4 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, дунё бўйича 4,76 миллиард киши ёки дунё аҳолисининг 59,4 фоизи ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидир. Энг кўп фойдаланувчига эга ижтимоий медиа платформаси Facebook бўлиб, бутун жаҳон бўйлаб ҳар ойда 2,9 миллиард киши ундан фойдаланади.

Расмий маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ҳудудида жорий йилда Интернет тармоғидан фойдаланувчи аҳоли сони 31 миллионга етди. Мамлакатда энг кўп ишлатиладиган ижтимоий тармоқ Telegram бўлиб, ундан фойдаланувчилар сони 30,6 миллиондан ортиқ. Бундан ташқари, 2023 йилнинг январь-май ойларида ахборот ва алоқа соҳасида 1 335 та янги корхона ташкил қилинди.

Юқоридаги рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, кун сайин ривожланиб бораётган Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони ҳам ўсишдан тўхтагани йўқ. Аммо бу тармоқдаги ахборотларнинг инсонлар, айниқса, болалар ҳамда ўсмирларга руҳий ва ахлоқий томондан салбий таъсир қилаётгани ҳам бор гап. Бундай вазиятда одамларда ахборотни фильтрлай олиш, яъни, керакли ахборотларни аҳамиятсизларидан ажрата олиш кўникмаси бўлиши талаб этилади. Шунинг учун аҳолининг медиа саводхонлигини ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир.

**Муродбек ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил февраль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хўжалик ишлари бўлими электромонтёри **Улуғбек Нормуратов,** слесарь-сантехник **Анвар Тошмуродов,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM бухгалтерия бош мутахассиси **Жавлон Занжиров,**

“O‘zbekiston bunyodkori” ижтимоий-иқтисодий газетаси бош муҳаррири **Дилшод Джалалов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ бухгалтерия бўлими етакчи бухгалтери **Насиба Азимова,** Жиззах филиали лойиҳа бош муҳандиси **Умиджон Абдусатторов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳайдовчиси **Рахат Аяпов,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM Жиззах вилояти филиали Смета қурилишни ташкил этиш технологияси ва махсус ишлар бўлими бош мутахассиси **Асқар Шерқулов,**

Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Зойир Ҳайитов,**

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Шаҳзод Салимов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бош мутахассиси **Хушбахт Маманазаров,** етакчи мутахассис **Асилбек Абдуқодиров,**

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Turon Everest ПБК” МЧЖ бош директори **Сулаймон Қўчқаров,** “Эко парвоз ПБК” МЧЖ бош директори **Хуршид Каримов,**

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги “Gold Servis” МЧЖ бош директори **Дилшод Худайберганов,**

Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги “Султан Камол коммунал ПБК” МЧЖ бош директори **Санобар Жуманазарова,** Урганч туманидаги “Севинчой дўстлик” МЧЖ бош директори **Абдураҳмон Рўзметов,**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги “Pozitiv kamunal” МЧЖ бош директори **Абдували Исаков,** Шайхонтоҳур туманидаги “Мустаҳкам бунёдкор сервис” МЧЖ бош директори **Улуғбек Арифжанов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

МОЗИЙ

# Мирзо Улуғбек қурдирган ҳаммом

**Жасур ТОШПЎЛАТОВ, Гулшода СИРОЧЕВА, Давлат ШАРИПОВ,**
“Регистон” ансамбли гид-экскурсоводлари.

**Шарқ меъморчилиги, шаҳарсозлиги ва маданиятида мадрасалар, бозорлар, карвонсаройлар ҳамда бошқа анъанавий бинолар билан биргаликда ҳаммомлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.**

Улар Шарқ меъморчилигига хос анъанавий тузилишга эга бўлган. Ҳаммом ва резервуарларни иситиш бинонинг жанубий четидаги олов қутисидан чиқадиган ер ости тутун каналлари орқали амалга оширилган. Бино поли тагига мармар плиталар ётқизилиб, ички томонлари ўзига хос безаклар билан бойитилган. Яна бир хусусияти, одатда мадраса биноси олдида ва масжидлар ёнида кўплаб ҳаммомлар қуриш урф бўлган. Бу мадраса аҳли, масжидга ташриф буюрувчилар ва унинг атрофида яшовчи ҳудуд аҳолиси учун ҳам қулайлик яратган.

Ўрта Осиёда илк ҳаммомлар сақланиб қолмаган. Аммо уларнинг меъморчилиги бизга археологик маълумотлардан маълум. Унга кўра, бундай бинолар дарҳол шаклланмаган ва бир неча босқични босиб ўтган. Масалан, Самарқанд-Афросиёб қадимий манзилгоҳининг турли қисмларида жойлашган IX – X асрларга оид бешта ҳаммом меъморчилиги функцияси жиҳатидан XV – XVII асрлардаги бинолар тузилишига жуда ўхшаш бўлган.

Мирзо Улуғбек даврида Регистон майдони Самарқанд шаҳрининг ижтимоий ҳаёт марказига айланган. Бу ерда давлат фармонлари ўқиб эшиттирилар, кўриклар ҳамда Рамазон ва Қурбон ҳайити сайиллари ўтказилар эди. Регистон майдонидаги мадраса, хонақоҳ ва карвонсарой ғарбида, нафақат Самарқандда, балки Шарқда энг мукаммал ҳисобланган ва бошқа ҳаммомлардан тубдан фарқ қиладиган “Мирзойи Ҳаммоми” қурилган. Бу бино тўғрисида “Бобурнома”да шундай ёзилган: “Мирзо Улуғбек яна ушбу мадраса ва хонақоҳда мўътадил яхши бир ҳаммом солибдур. Мирзойи ҳаммом номи ила машҳурдур, ҳар нав тошлардин фарзлар қилибдур, Хуросону Самарқандда андак ҳаммом маълум эмаским, бўлғай”.

Қадимий анъаналарга кўра, мадраса ва ҳаммомларнинг гумбазлари чархий (бўйи ва эни бир хил тўртбурчак, томи айлана), балхий (бўйи энидан узун, пастқам), мирзойи (гумбаз баландлиги эни кенглигининг ярмидан ортиқ), чортарк (томи пастак, тўрт қиррали, тўрт чокли) ҳамда қовурғали, бешикча, чоркунжа ва гажакдор шаклларда яратилган. Қурилиш материалларидан темир, ёғоч кабилар кам бўлгани туфайли кўпроқ соз тупроқ, оҳак, ганч, ғишт ва юпқа сопол ғиштлар ишлатилган. Синчлари терак, тол, тут, ёнғоқ, қайрағоч, арча ёғочларидан бўлиб, бино пойдеворига харсанг тош ёки мармар тош ётқизилар эди.

Улуғбек давридаги бинокорликда намгарчилик таъсири ҳисобга олиниб, деворлар “қир” қорилмаси билан сувалган. Қир – қамиш кули билан оҳак аралаштирилиб, майда қилиб туюлиб, узум ёки тут шинниси ва сирач аралаштирилиб тайёрланган. Бир қозон қорилмага ўн дона тухум оқи ҳам солинар, қориштириладиган лойдан ғуборни кетказиш, зарарли моддаларни ювиб чиқариш учун 5-6 кун унинг устидан сув оқизиб қўйилган.

Демак, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ҳар бир тарихий обида алоҳида эътибор ва эътирофга сазовордир. Уларни кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга бешикаст, асл ҳолича етказмоғимиз лозим. Зеро, доно аждодларимизнинг порлоқ хотирасига эҳтиром – она Ватанга бўлган муҳаббатнинг ўзига хос тараннумидир.